

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ  
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11397498>

*Фозилчаев Шухратжон Қобилжон*

*ўгли,*

*Тошкент давлат иқтисодиёт*

*университети*

*“Молия” кафедраси доценти*

***Аннотация.** Ушбу мақолада акциядорлик жамиятлари молиясининг ўзига хос хусусиятлари ва улар фаолиятини ривожлантиришининг устивор йўналишлари, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда фонд бозорини роли ва ахамияти таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, акциядорлик жамияти, корпорация, молиявий бошқарув, корпоратив бошқарув сиёсати модели, иқтисодий ўсиш, молиявий рисклар.*

Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари (корпорациялар) миллий иқтисодиётнинг истиқболини белгилашда кўпроқ рол ўйнамоқда ва улар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажармоқда. Шуларни инобатга олганда очик акциядорлик жамиятлари ривожланиш стратегиясини танлашда корпоратив бошқарув органларининг ролини ошириш; акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари ва дивиденд сиёсатини, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш шароитида муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида акциядорлик жамиятларининг узок муддатли яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи улар ишлаб чиқариш салоҳиятини тубдан ўзгартириш ва замонавийлаштириш заруриятини келтириб чиқарди, ва бунга катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар, шу жумладан, хорижий инвестициялар талаб қилинади.

2022-йил 28-январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги Фармони қабул қилинган бўлиб, стратегиянинг учинчи йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашдан иборат.

2023 йилгача макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизга тушириш режалаштирилган[1].

Жаҳон капитал бозори имкониятларидан фақат инвесторларнинг мутлақ ишончини қозонган компаниягина фойдаланиши мумкин бўлиб, унга эришишнинг ягона йўли— корпоратив бошқарувнинг лозим амалиётини жорий қилишдир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарали фаолият юритишнинг корпоратив бошқарув модели ва механизми акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, барқарор индустриал ва иқтисодий ўсишни таъминлаш каби муаммолар ечимини таъминлаши мумкин[2]. Ушбу муаммоларни самарали ечими компанияларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлилиги ва ҳавфсизлиги, барқарорлиги ҳамда инвесторлар учун жалбдорлиги ва рисксизлиги даражасини таъминлаш билан узвий боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда фонд бозорларини шакллантириш жараёнлари бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг муваффақиятли фаолият юритиши кўп жиҳатдан инвестицион инфратузилманинг ўз вақтида яратилиши билан боғлиқ бўлади.

Корпоратив бошқарувнинг таъсир доираси акциядорлар ёки

корпорациялар манфаатлари соҳасидан анча кенгрок бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун ҳам замонавий корпоратив бошқарув миллий иқтисодиётни ривожланиши учун заруриятга айланиб бормоқда.

Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, корпоратив бошқарув амалиёти барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш учун корхоналар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш ва ўзида сақлаб қолишнинг муҳим шартига айланган бўлиб, қуйидагилар учун ўта зарурдир:

1. Маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, инвесторларга уларнинг инвестицияларини бошқаришда ҳавфсиз ва самарали, бошқариш тизими эса равшан ва мувофиқ ҳисоб-китоб юритилишига имкон бериши хусусида кафолатларнинг таъминланиши.


2. Рақобатбардош ва самарали фаолият юритувчи йирик компаниялар ва корхоналарни бунёд қилиш.

3. Корпорацияни бошқаришда инвесторларнинг маблағлари ишониб топширилган ёлланма менежерларнинг ҳисобдорлиги ва фаолияти самардорлигини кучайтириш.

4. Чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш.

Акциядорлик жамияти самарали фаолияти ва инвестицион жалбдорлигининг асоси корпоратив ҳамжамиятнинг барча иштирокчилари орасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳити ва ўзаро ишончдир.

Тизимлилик ва тартибийлик корпоратив бошқарув бир бутун иқтисодий-ҳуқуқий тизим ва уни ўрнатилган корпоратив ҳуқуқ ва маданият меъёрлари асосида тартибли ва шаффоф фаолият кўрсатиши билан белгиланади. 1-расм.



**1-расм. Акциядорлик жамиятида манфаатдор субъектлар[3]**

Одатда, акция сотиб олишга опционларни, мулкдорлар билан менежерларни боғлайдиган самарали дастак ҳисоблансада, корпоратив амалиётда қуйидагилар бажарилиши лозим бўлган муҳим йўналиш ҳисобланади:

- биринчидан, менежерларнинг акцияларни сотиб олишга опцион кўринишидаги бонусларига турли даражадаги чегаралар ўрнатилиши лозим;
- иккинчидан, корпорация менежерларининг фаолияти устидан назоратнинг мавжудлиги ва шундай назорат сифатида, корпоратив бошқарув тизимига корпорациянинг директорлар кенгаши юзага чиқиши.

Корпорация менежментининг фаолиятини ички назорат қилишнинг тан олинган механизми сифатида, акционерлар томонидан улар манфаатларини ҳимоя қилиш учун, маълум назорат ваколатларига эга бўлган агентларнинг жалб этилиши амалга оширилади.

Корпоратив мулкчиликка асосланган тижорат ташкилотлари турли ташкилий тузилмага эга бўлсалар ҳам, бу корхоналар уларни бошқаришдаги қуйидаги ўхшаш молиявий фаолиятга эга эканлигини кўриш мумкин:

1. Ўзлик капитални жалб қилиш;
2. Жалб қилинган капитални бошқариш;
3. Ўзлик капитални реинвестиция қилиш;
4. Корпоратив ҳамжамият томонларини рағбатлантириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги корпоратив мулкчиликнинг турли шаклларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш имконини беради.

Бундан ташқари солиқ, божхона ва меҳнат қонунчилигида инвесторлар, айниқса хорижий инвесторлар учун кўплаб имтиёзлар яратилганига гувоҳ бўламиз. Буларнинг бари республикада қулай инвестиция иқлимини ҳосил қилишда ижобий омилдир.

Жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам йирик корхоналарнинг деярли барчасини хусусийлаштириш жараёнида акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Акциядорлик жамиятлари саноат, қурилиш, транспорт ва савдо соҳаларида ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда.

Хориж амалиётида корпорацияларнинг ташкилий структурасини шакллантиришда корпоратив усул механизмларидан фойдаланиш тажрибаси умуман олганда “корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмалар молияси” тизимини тартибга солиш ва такомиллаштириш масаласи фаол ўрганилмоқда ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эътиборга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилинмоқда[4].

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида акциядорлик жамиятлари молиясини самарали ташкил этиш ҳамда молиявий бошқарув тизимини модернизациялаш, жумладан, корпоратив тузилмаларнинг (акциядорлик жамиятларининг) узоқ муддатли яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини ўтиш даврида таъминлаш масаласи улар ишлаб чиқариш салоҳиятини тубдан қайта

қуриш ва замонавийлаштириш заруриятини келтириб чиқаради[5].

Ушбу ҳол биринчидан, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохатлар натижасида ҳозирги замон интенсив иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи корпоратив тузилмаларни вужудга келтирилганлиги ва улар иқтисодиётда салмоқли ўрин тутиши билан боғлиқ бўлса;

иккинчидан, республикаимизда бу тоифадаги тузилмалар мулкни тасарруф этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарали шакли сифатида эътироф этилганлиги ва уларнинг мулкдорлар қатламини шакллантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни жадаллаштиришдан асосий мақсад, кўйидаги устивор вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор илмий хулосалар чиқаришга имконият беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “Yangi O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2007 йил 14 март, №УП-114;
3. А.С.Бегматов, М.Б.Хамидулин, М.Ш.Бўтабоев. Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув.- Т: «Академия» нашриёти, 2007 й., 224 б.
4. Рискиев Т.Т., Фуломов С.С., Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқ. Истиклол, демократия ва фукаролик жамияти.-Т.: Шарк, 2003.-160 б.
5. А.А. Хошимов Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари.Ўз.Рееспубликаси фанлар академияси. “Фан” нашриёти. Тошкент-2003й.